Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 200 (9190). 21 октябрь, 1983 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин.

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети чорвачиликни ривожлантириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг 1983 йил тўққиз ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларда қолдирилди:

Қорақалпоғистон АССР,

Жиззах области,

Қашқадарё областининг Қамаши райони,

Тошкент областининг Бўка райони.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Фарғона области,

Самарқанд области.

Жиззах областининг Мирзачўл райони,

Хоразм областининг Боғот райони,

Андижон областининг Москва райони,

Фарғона областининг Бағдод райони.

Байроқлар Хоразм ва Андижон областларидан, Ленин йўли, Ғиждувон, Ворошилов ва Пастдарғом районларидан олиб берилади.

Қуйидаги коллективлар 1983 йилнинг тўққиз ойи мобайнида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида республика мусобақасининг ғолиблари деб топилдилар:

Тошкент область Пискент районидаги Калинин номли колхоз;

Навоий область Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхози;

Самарқанд область Самарқанд районидаги Куйбишев номли колхоз;

Қорақалпоғистон АССР Шуманай районидаги А. Мусаев номли совхоз;

Бухоро область Пешку районидаги «Пешку» совхози;

Сурхондарё область Сариосиё районидаги «Коммунизм» совхози;

Наманган область Чортоқ районидаги «Ўзбекистон» совхози;

Сирдарё область Меҳнатобод районидаги Охунбобоев номли совхоз;

Сурхондарё областининг Термиз паррандачилик фабрикаси;

Ўзбекистон ССР балиқ хўжалиги Давлат комитетининг Фарғона балиқ хўжалиги;

Тошкент область Тошкент район матлубот союзининг паррандачилик фабрикаси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика министрликлари ва идораларининг қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш юзасидан ўтказилган социалистик мусобақанинг 1983 йил тўққиз ойи якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Наманган умумий овқатланиш трести ёрдамчи хўжалигининг коллективи. Бу коллектив 60 тонна гўшт етиштиришга эришиб, аҳолига реализация қилган, бу эса 1982 йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 25 процент ортиқдир, чўчқаларни шу ернинг ўзида урчитиб кўпайтириш ҳисобига уларнинг 1,5 минг бошгача кўпайишини таъминлаган, чўчқа болаларини олиш планини 124 процент, озиқ-овқат чиқитларини йиғиш ва улардан фойдаланиш планини 121 процент бажарган.

Байроқ Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бош бошқармасидан олиб берилади;

В. И. Ленин номли Янгиер бинокорлик материаллари ва конструкцияси комбинати ёрдамчи хўжалигининг коллективи. Бу коллектив 49,6 тонна гўшт, 57 тонна сут, 47,2 минг дона тухум, 1,8 тонна асал етиштиришга эришиб, ишчиларга реализация қилган, 1982 йилга нисбатан қорамолларнинг 49 процент, чўчқаларнинг 15 процент, паррандаларнинг 31 процент, асалари уяларининг 16 процент ўсишини таъминлаган.

Байроқ Қўқон ёғ-мой комбинатидан олиб берилади.

Коммунистлар! Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг ноябрь ва июнь Пленумлари тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг Октябрь Чақириқларидан).

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛАДИ

● **ЎРТА ЧИРЧИҚ.** Охунбобоев номли колхоз заршуносларн дастлабки довон ошдилар. 1180 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан жами 3500 тонна «оқ олтин» йиғиштириб олиниб, йиллик план бажарилди. Етиштирилган ҳосилнинг 80 процента машиналар ёрдамида терилди. Хўжаликнинг Шокир Турдиев, Шохимардон Кўкенов, Худойберди Дадашев ўртоқлар етакчилик қилаётган бригадаларнинг деҳқонлари бу ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Рустам Абдураззоқов, Расулжон Набиев, Қамбар Турсунқулов сингари «пўлат от» суворийлари ўз «зангори кемалари»да 130—150 тоннадан «оқ олтин» тердилар. Колхозда пахта йиғим-терими жадал давом этяпти. Миришкорлар ҳосилдорликни 36 центнерга етказиш мажбуриятини қабул қилдилар.

ЯНА БЕШ ЦЕНТНЕРДАН

● **БЎКА.** Акмал Давидов етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари Фрунзе номли колхозда биринчи бўлиб социалистик мажбуриятларини бажардилар. 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан юқори сифатли хом ашё йиғиштириб олинди. Эндиликда заршунослар оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишмоқда. Улар ҳар гектар ердан яна 5 центнердан ҳирмон уйиш учун курашяптилар.

● **РАЙОН** маданият бўлимининг Зиёд Сайдуллаев бошчилигидаги агитбригадаси ҳар куни график бўйича хўжаликларда бўлиб, пахтакорларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Ўтган куни бадиий ҳаваскорлар Ҳамза номли колхознинг Тўйчи Маманов бошлиқ бригадасида бўлиб, ўз концерт программаларини намойиш қилдилар. Хонандалар Расул Саидкаримов, Шомурод Қутмуродов, Гулнора Қутмуродова, раққоса Ҳуриниса Аминоваларнинг куй, қўшиқ ва рақслари пахтакорларда катта таассурот қолдирди.

ЯНГИ МАРРА ҲАМ ЭГАЛЛАНАДИ

● **БЕКОБОД.** «Ленинград» совхозининг Салохиддин Маҳкамов бошчилик қилаётган 1-бўлим чўқуварлари йиллик планни бажардилар. 400 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан жами 1200 тонна «оқ олтин» давлат қабул пунктларига етказиб берилди. Облоқул Ҳамроев, Мақсуда Мирвалиева, Абдураҳмон Холов сингари тажрибали пахтакорлар бошчилик қилаётган бригадаларда ҳозиргача йиллик план 120—121 процентга бажариб қўйилди. Бўлимнинг моҳир механизатори Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Сулаймон Имомов ўз агрегати бункеридан 200 тонна пахта тўкиб, бу ғалабага муносиб ҳисса қўшди. Бўлим пахтакорлари 40 центнерлик маррани ҳам 7 ноябргача эгаллашга аҳд қилдилар.

УЧ БРИГАДА ҒАЛАБАСИ

● **ОҚҚЎРҒОН.** С. Сегизбоев номли совхоздан ҳар куни кўплаб хушхабарлар олинмоқда. Ўтган куни хўжаликнинг уч бригадаси йиллик пахта тайёрлаш планини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапортига имзо чекдилар. Ленин ордени кавалери Юсуфжон Нишонов, Анорбой Усмонов, Девўғлон Дурсунов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларнинг миришкорлари ҳар гектар ердан 34—35 центнердан юқори сифатли «оқ олтин» йиғиштириб олдилар. Эндиликда юксак социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшириш қизғин давом этяпти. Бу коллективларнинг пахтакорлари ҳосилдорликни 45—50 центнерга етказишмоқчи.

ГУЛНОРА ОЛДИНДА БОРМОҚДА


● **ЯНГИЙЎЛ.** Гулнора Болтабоева районда чевар теримчи сифатида донг таратган. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ленин номли колхознинг кўпминг-килограммчиси Г. Болтабоеванинг шу кунгача «оқ олтин»дан уйган хирмони 6 тоннадан ошиб кетди. У айни кунларда ҳам кунига 60—70 килограммдан пахта териб барчага ибрат кўрсатяпти.

СИЗЛАРДАН ҲАММА МИННАТДОР









● **СИЗ** суратда кўриб турган бу «оқ олтин» бунтлари пискентликларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бунёдга келган. Пискент пахта тозалаш заводининг тайёрлов пунктига 1983 йилда 55 минг тоннадан ортиқ пахта келтирилади.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

● **ПИСКЕНТ** районидаги Свердлов номли колхознинг чевар теримчиси Марғуба Тожибоева (юқорида), Бекобод районидаги Қори Ниёзий номли 56-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Нортожи Маматқулова (ўртада), Калинин районидаги Тошкент гўшт комбинатининг медицина ҳамшираси Сора Турлибековалар (пастда) ҳозирги долзарб дамларда бутун куч ва ғайратларини сарф қилиб, қимматли хом ашёни тезроқ йиғиштириб олишга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Е. Ботиров, А. Икромов, М. Даминов фотолари.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 20 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида)				
Бўка	1,70	91,74	1,63	87,25
Коммунистик	1,93	88,46	2,07	93,58
Оққўрғон	1,62	79,65	1,81	71,65
Пискент	1,58	78,22	0,87	57,41
Ўрта Чирчиқ	1,70	77,55	1,17	72,70
Бекобод	1,50	76,31	1,37	48,40
Ғалаба	1,50	71,31	0,90	60,59
Чиноз	1,60	70,95	1,40	46,39
Янгиўл	1,40	63,11	0,91	30,44
Область бўйича:	1,55	78,14	1,81	64,86

ВЕНЕРА ТЕВАРАГИДАГИ ОРБИТАДА

ПЛАНЕТА ШИМОЛИЙ ҚИСМИНИНГ БИРИНЧИ РАДИОЛОКАЦИОН ТАСВИРИ

ТАСС АХБОРОТИ

Совет фани ва техникаси Қуёш системасидаги планеталарни тадқиқ этишда янги ғалаба муваффақиятга эришди. «Венера-15» станцияси Венера сунъий йўлдоши орбитаси бўйлаб учаётганида Венера юзидаги ердан туриб кузатиб бўлмайдиган участкаларнинг дунёда биринчи танҳо радиолокацион тасвири олинди.

«Венера-15» совет автомат станцияси 10 октябрда Венера теварагидаги орбитага чиқарилганди. Илгари ҳабар берилганидек, планета юзи ва унинг атмосферасини олисдан комплекс тадқиқ этиш учишининг асосий мақсадидир.

Учиш программасига мувофиқ 16 октябрда «Венера-15» станцияси планетани радио зондлаш биринчи сеансини ўтказди. Шу сеанс жараёнида ёнбош обзор локатори ёрдамида Венерадаги саҳни 1 миллион квадрат километрдан ошадиган қутб бўйи областининг анча равшан тасвири олинди. Тасвирда зарб кратерларини, бир қанча дўнгликларни, каттакатта узилма жойларни, пояна жойларни, тоғ тизмаларини ва катталиги 1—2 километрга борадиган рельеф деталларини кўриб билиш мумкин. Табиатан ҳар хил геологик тузилишлар топилдики, улар планета актив тектоник ҳаёти давомийлигини ва унда ўтувчи геологик жараёнлар мураккаблигини кўрсатади. Олинган натижалар Венера геологик тарихини, шунингдек ер геологик тарихини тушуниш учун фундаментал илмий аҳамиятга эга.

«Венера-15» станцияси учишининг биринчи ойи мобайнида иш орбитасини ҳосил қилиш мақсадида унинг ҳаракат траекторияси ростлаб қўйиш мўлжалланади. Шундан сўнг планета муттасил радиозондлаб борилади. Бунда Венера шимолий қутби яқинида Венера юзи районлари булут қатлами орқали муфассал радио карта қилинади, шунингдек учиш трассаси бўйлаб планета атмосфераси ва юзи комплекс ўрганиб чиқилади. Айни маҳалда «Венера-16» станцияси орқали экспериментлар ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Телеметрик информация маълумотларига кўра станцияларнинг ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди. Венера сунъий йўлдошларидан олинаётган информация ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

АВТОМАГАЗИНЛАР ҲАРАКАТДА

Областимиз пахтакорлари кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшиб, улкан «оқ олтин» хирмони учун курашда тиним билмаётган зарбдор дамларда матлуботчилар ҳам ҳамкор бўлмоқдалар.

Ҳар куни эрта билан 100 дан ортиқ автомагазин пахта далалари томон йўл олади. Бу кўчма магазинлар белгиланган график бўйича дала шийпонларида савдо-сотиқ уюштирадилар, пахтакорларнинг узоғини яқин қиладилар. Буюртмалар бўлса ёзиб олишади ва белгиланган кунда келтириб беришади.

Пахта йиғим-терими мавсуми муносабати билан қишлоқ магазинларининг иш вақти шу кун талаблари асосида ташкил этилмоқда. Магазинлар эрта соат 7 дан кеч 9 гача ишлайди. Бундан ташқари областимиз пахтакор районларидаги дала шийпонларида 400 га яқин сотувчисиз магазинлар ишлаб турибди ва улар зарур моллар билан таъминланган.

Область матлубот жамияти правлениеси кўчма буфетлар ташкил этишга эътиборни кучайтираяпти. Улар кўпроқ дала шийпонларидадир. Пиширилган гўшт, товуқ, шунингдек, турли масаллиқлар, бутерброт, кондитер маҳсулотлари, салқин ичимликлар сотиляпти.

Пахтакорларга савдо хизмати кўрсатиш айниқса, Бўка, Пискент, Коммунистик районларида намунали ташкил этилган.

Б. СОЛИҲОВ.

ҲАШАРДА ЧАҚҚОН ШИФОКОРЛАР

Республикамиз «оқ олтин» далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар бир граммн олтинга тенг бўлган бу ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмай, тезроқ йиғиб-териб олиш касб-коридан қатъий назар, ҳамманинг шон-шараф ва виждон ишидир. Буни яхши тушунган Калинин райони колхоз ва совхозларининг ишчи-хизматчилари, мактабларнинг педагогик коллективлари ва ўқувчилари, қурилиш ва транспорт, алоқа ва медицина муассасаларининг ходимлари шу кунларда Чиноз райони далаларида «оқ олтин» теримида актив иштирок этаётирлар.

Ҳашарчилар орасида ёш йигит-қизларни ҳам, нуроний кексаларни ҳам учратиш мумкин. 65—70 ёшлардаги Олимхўжа ака Музаффаров Калинин райони санитария-медицина ходимларидан пахтакорларга ёрдамга келган ҳашарчиларга бошчилик қилмоқда. Касби шифокор бўлган Олимхўжа ака Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. У пенсияда бўлса-да, дил амри билан пахтазорга отланган. У ҳар йили «оқ олтин» далаларига чиқиб, йиғим-теримда актив иштирок этади.

О. Музаффаров бошлиқ 60 нафар ҳашарчилар колхознинг Эгам Тўраев, Мирза Мағзиев, Сафар Мирзааҳмедов бошлиқ 6-, 9- ва 10-бригадаларида унумли меҳнат қилмоқдалар. Тошкент гўшт комбинати медицина санитария қисмининг ҳамширалари Мастура Юсупхўжаева, Зулфия Тешабоева, Сора Турлибековалар пахта йиғим-теримида илғорлар сафида бормоқдалар. Уларнинг ҳар бири кунига хирмонга 55—60 килограммдан пахта тўкишяпти. Фрунзе номли шифохонанинг фельдшерлари Б. Жақубова, Д. Хамидова, Назарбек касалхонасининг медицина ҳамширалари Н. Баймаханова, С. Абдуллаева, дизенпекторлардан М. Собиров, Д. Умарова, М. Расуловларнинг фидокорона меҳнатларидан пахтакорлар мамнун бўлмоқдалар. Район шифокорлари шу кунга қадар колхознинг 3000 тонналик хирмонига ўзларининг 15 тонналик «оқ олтин»лари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

Медицина ходимлари пахта йиғим-теримида актив иштирок этиш билан бирга дала шийпонларида меҳнаткашлар соғлиғини назоратдан ўтказиб, беморларни даволашда ҳам жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Х. ШАРИПОВ,

Чиноз районидаги «Қизил Октябрь» колхози.

ЭНЕРГЕТИКЛАР ТАЖРИБАНИ ЎРТОҚЛАШМОҚДАЛАР

19 октябрь куни Тошкентда очилган Бутуниттифоқ кенгашида халқ хўжалигида электр энергия исроф бўлишини ҳисобга олиш, иккиламчи энергия ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ҳамда ёқилғи ва электрни оқилона сарфлашга доир бошқа проблемалар кўриб чиқилмоқда. Энергия таъминоти сифатини ва саноат энергетикаси самарадорлигини оширишга бағишланган кенгашда иттифоқдош республикаларнинг вакиллари билан бирга Болгария, Венгрия, ГДР ва Чехословакиядан келган мутахассислар иштирок этмоқдалар. Улар энергияни тежаш резервларини сафарбар этиш, халқ хўжалигининг шу тармоғи самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи иқтисодий стимулларнн фойдаланиш тажрибасини ўртоқлашмоқдалар.

Кенгаш уч кун давом этади. Унда энергетика ва электр техника саноати илмий-техника жамияти марказий правлениесининг раиси, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Н. Ковалев нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

КУЧЛАР ЖАМЛАНГАНДА

ОЙЖАМОЛ билан Сония қош қорайгандагина пайкалдан чиқишди. Сўнгги этаклардаги пахтани торозидан ўтказиб, хирмонга тўкишдида, кунлик натижани ҳисобкитоб қилишди. Мусобақадош дугоналарнинг ҳар бири 60 килограммдан пахта теришибди. Бу ҳозирги кунда анча яхши натижа ҳисобланади.

Чевар теримчилар меҳнатлари натижасидан мамнун бўлишиб, уйларига қайтишди. Уларнинг кайфияти чоғ эди. Чунки ҳар гектар майдондан 30 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олинган бўлса-да, далаларда ҳали пахта мўл. Бу — эрта баҳордан бери тер тўкиб қилинган меҳнат самараси эди, албатта. Ойжамол билан Сония ҳам бригаданинг барча аъзолари қатори мўл ҳосил етиштириш йўлида озмунча жон куйдиришмади.

Чигит экиш пайтида сепилган гербициднинг таъсири бўлмай, сув билан ундириб олинган ниҳолларни ўт босиб кетганда улар тинчларини йўқотишди. Халоватдан кечиб бегона ўтга қарши тинимсиз кураш олиб бордилар. Кейинчалик гўзани озиқлантиришга, ишлов беришга ва сувга қондиришга зўр берилди. Механизаторлардан Ш. Бўрибеков билан Д. Хадаровлар ҳар бир сувдан сўнг икки марта сифатли культивация ўтказишди. Е. Ашыров ва А. Жўраев сингари тажрибали сувчилар ҳар туп гўзанинг сувга қониши учун кечаю-кундуз ҳаракатда бўлишди.

Ана шу тадбирлар оби-тобида амалга оширилганлиги туфайли Пискент районидаги «КПСС XXVI съезди» колхозининг 5-участкасига қарашли 3-бригадаси пахтазорларида мўл ва эртаки ҳосил етиштиришга эришилди. Сентябрь ойининг ўрталарида пахтазорларга терим агрегатлари олиб чиқилди. Дастлабки теримнинг ўзидаёқ социалистик мажбуриятнинг сўзсиз бажарилиши, ёз бўйи қилинган меҳнат самарининг тўла оқланиши маълум бўлди.

Ойжамол билан Сониялар қўл терими бошланган дастлабки кунларн 80—100 килограммдан «оқ олтин» терган бўлсалар, кейинчалик кунлик суръатни яна ҳам оширишди.

— Пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини бажариш арафасида турибмиз, — дейди Ойжамол Холтоева, — аммо бизнинг асл мақсадимиз тез кунлар ичида социалистик мажбуриятимизни ҳам адо этишдир. Шунинг учун ҳозир 40 центнерлик маррани кўзлаб, йиғим-теримни сусайтирмай давом эттиряпмиз.

Совхоз пахтакорларига Сергели шаҳридаги мебель фабрикаси ҳамда Тошкент электротехника заводи ишчи-хизматчилари ҳам самарали ёрдам бермоқдалар. Ҳашарчилар учун бу ерда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган.

— Биз ҳашарчилар ҳиммматидан мамнунмиз, — дейди Сония Меирбекова. — Улар дастлабки кунларданоқ сидқидилдан кўмаклашишяпти. Мебель фабрикаси ишчиларидан Фарҳод Қосимов, Жақсилиқ Оспанов ва бошқалар кунига 40-50 килограмм ва ундан ҳам ошириб пахта териб бермоқдалар. Электротехника заводи ишчи-хизматчиларидан Надежда Дилбарова, Олег Козловлар ҳам улардан қолишмаяптилар.

Н. КОЗИНСКИЙ.



● БУСТОНЛИҚ районидаги Садриддин Айний номли 42-ўрта мактабининг 135 нафар юқори синф ўқувчилари айни кунларда Оққўрғон райони далаларида пахтакорларга йиғим-теримда яқиндан ёрдам бераётирлар. Ўқувчиларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 100 тоннадан ошиб кетди. Суратда: мактаб директори Н. Ёқубов ўқувчи-ёшлар билан суҳбатлашмоқда.

И. Портнов фотоси.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА ЎТКАЗИЛДИ

Барча совет кишилари қатори пойтахтнинг Ленин район соғлиқни сақлаш бўлимига қарашли Лавочкин номидаги 1-тиш даволаш поликлиникаси коллективи Коммунистик партия ва Совет давлатимизнинг ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ташқи сиёсатини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Улар тинчлик ишини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшиш мақсадида яқинда шанбалик ўтказдилар. Шанбалик куни поликлиника бош врачи У. М. Зарипов бошлиқ шифокорлар ва барча ходимлар астойдил меҳнат қилдилар.

Поликлиника ходимларининг яқдиллик билан қабул қилган қарорига биноан коллектив аъзоларининг бир кунлик иш ҳақи Тинчлик фондига ўтказилди.



● ҒАЛАБА районидаги «Ленинград» колхози пахтакорлари бу йил 877 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олиш учун курашяптилар. Етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда механизаторлар катта ҳисса қўшяптилар. Суратда: хўжаликнинг икки илғор механизатори Давлат Олхаров ва Мадиёр Шарипов.

А. Тўраев фотоси.

60 ЦЕНТНЕРЧИЛАР ДАЛАСИДА

ИККИНЧИ ДОВОН САРИ

БАЁНҚУЛ ака тележка устига чиқиб пахтани шиббалаётганда, қабул пунктига кетган транспорт трактори келиб қолди. Бригадир тележкадан тушар экан, тракторчи қабул пунктидан берилган қоғозни узатди.

— Яхши,— деди хирмонда турганларга Баёнқул ака,— тонгни ғалаба билан кутиб оламиз.

Шу пайт тележка ёнига терим машинаси келиб тўхтади-да, бункерини ағдариб, пахтани тўкди. Механик-ҳайдовчи машинасини чеккага олиб, бригадирнинг олдига келди.

— Баёнқул ака, ишни тўхтатмасак бўлмайди, уйқу енгаяпти,— деди Ражаббой киприкларига ёпишган чангларни рўмолчаси билан артар экан.— Тун ҳам ярмидан оғди.

Пахтасини тележкага бўшатган иккинчи механик-ҳайдовчи ҳам келиб гапга қўшилди:

— Уйқу филни ҳам йиқитади, деганлари тўғри гап экан. Бироз мизғиб олмасак, маза қочаяпти, ака.

— Яшанглар-е,— ҳазилмуз деди Баёнқул ака.—Эртага шу йигитлар 20 тоннадан пахта теришди, деса ҳеч ким ишонмайди. Лекин жасоратни ҳам охирига етказиш керак. Мана, Ражаббнинг терган пахтаси 23 тонна, Пўлатники 17 тоннага етибди. Планимизни бажариш учун тонг оттунча 4 тоннадан териб берсаларинг, районда иккинчи бўлиб рапорт берамиз.

— Бир кун минг кун бўлмас, укалар,— гапга аралашди ҳирмонда ишлаётган Икромқул ака Раҳмонов,— бир ҳаракат қилсак, довон ошамиз.

Бригадирнинг аниқ ҳисобкитоби, хирмонда турганларнинг ҳоҳишлари, ғалабага интилишлари механик-ҳайдовчиларни ишга ундади. Иккала машина гуриллаганча пахтазорга шўнғиб кетди...

Эрталаб соат еттида бригада шийпонига келган колхоз партия ташкилотининг секретари Малика Мирзаева ёғоч кровать устида дам олаётган механик-ҳайдовчилар, бригада аъзоларини кўрди-ю, мақсадга эришилганини тушунди. Баёнқул ака бригаданинг ёрдамчи хўжалигидаги қўйларга ўт солиб юрган экан, партком секретарини кўриб у томонга юрди.

— Ҳозиргина дам олишга рухсат бердим, бир соатча мизғиб олишсин,— кроватда ётганларга ишора қилди Баёнқул ака.— Ражаб 27 тонна, Пўлат 21 тонна пахта териб берди. Бир суткада 20 процент пахта топширдик, планни бажардик. 238 тонна пахтанинг ҳаммаси биринчи сортга топширилди.

Партком секретари бригадирни самимий табрикладида:

— Машина киритилмаган неча гектар ер қолди?— деб сўради.

— Ўн гектар.

— Яшанг, биринчи теримнинг ўзида 35 центнердан ҳосил олаяпсиз. Районда иккинчи, колхозда биринчи бўлдиларинг. Энди район партия комитетига рапорт ёзамиз. Қойил, Баёнқул ака, кўкламдаги ғаплар эсдан чиқадиган бўлди-да, сиз енгиб чиқдингиз. Ҳосил чўғи зўр.

Партком секретари ҳам, бригадир ҳам кўкламги воқеани эслаб, маъноли кулиб қўйишди.

Ўшанда колхоз правлениеси билан партия ташкилотининг қўшма йиғилишида чигит экишга тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди. 18 та пахтачилик бригадасининг биттасида синов учун капсулланган чигит экиш кераклиги масаласида кўп тортишув бўлди. Синалмаган нарсага қўл уриш ҳосил тақдирини хавф остида қолдириш билан баравар эди. Бригада бошлиқларидан бу ҳақдаги фикрлари бирма-бир сўраб чиқилди. Бириси ерини, иккинчиси сувини, қолганлари яна бошқа сабабларни рўкач қилиб, бу чигитни эка олмайміз, дейишарди. Баёнқул ака ўйланиб қолди. 1982 йилда ҳам худди шундай йиғилишда колхозда туксизлантирилган чигитни кимдир экиши, синовдан ўтказиши керак бўлганда ҳар ким ҳар хил баҳонани рўкач қилавергач, орияти қуллиқ қилиб, Баёнқул ака қўл кўтарганди. Туксизлантирилган чигитнинг ҳосили мўл бўлди. Ҳар гектар ердан биринчи марта 51 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Бу йил кўпгина бригадалар туксизлантирилган чигит экдилар.

Баёнқул ака ҳозир ҳам қўл кўтариши, капсулланган чигитни биринчи бўлиб экишга рози бўлиши мумкин эди-ю, лекин мутахассисларнинг сув танқис бўлади, деган фикрлари унинг юрагини ғаш қилаётган эди. Устига устак, ҳадеб биринчи бўлаверса, синалмаган нарсага қўл ураверса, охири ғанжга бўларкин? Лекин янгиликка қўл уриб ёмон бўлмаяпти-ку! Бутун колхозга нафи тегаяпти, бошқа бригадалар ундан ўрганяпти.

ЛАВҲА

Мана бир мисол: 1980 йили колхозда биринчи бўлиб коллектив пудрати системасида ишлашга ўтди. Бунда, аввало, ишчи кучи, техникадан самарали фойдаланилди, иқтисодий тежамкорликка эришилди. Энг муҳими меҳнат интизоми яхшиланди. Бригадир одамларни ишга чиқ, деб уйма-уй юрмайдиган бўлди. Ҳар бир колхозчининг топширилган ишга масъулияти ошди, иш сифати кескин яхшиланди.

Баёнқул ака қўллаган янгилиқ ўтган йили бутун колхозда жорий этилди. Ҳамма пахтачилик бригадалари нарядсиз ҳақ гўлаш системасига ўтказилди. Натижада хўжалиқ пахта теримига ҳаммасидан воз кечди. Мана шунинг ўзидан колхозда ўтган йили қарийб 300 минг сўм тежаб қолинди.

Баёнқул ака ана шуларни ўйлаб ўтириб, раиснинг «Ўн учинчи бригада нима дейди?» деган саволини эшитмай қолди. Иккинчи марта сўралганда, у ўрнидан турди-да, иккиланиб саволга савол билан жавоб берди: «Қандай бўларкин?!».

— Сиз олий маълумотли агрономсиз,— деди партком секретари ва ҳазиломуз қўшиб қўйди,— пахтачилик «докторисиз». Бу сафар ҳам сиз бошласангиз яхши бўларди.

— Ҳай майли, бошласак бошлай қолайлик,— деб юборганини билмай қолди бригадир. Аммо юрагига гулғула тушди. «Бу сафар хато қилмадиммикан»,— дея ҳаёлидан ўтказди. Кейин ўзига-ўзи далда берди: «Жанг беомон бўлмайди-ку, бир кўрамиз-да».

Бригаданинг 71 гектардан иборат ерига капсулланган чигит 26 март куни экиб бўлинди. Лекин улардан кейин экган бошқа бригадаларда чигит қийғос униб чиққанда ҳам, бу ерда чигит тупроқ ёрай демасди. Мутахассислар, колхоз раҳбарлари келишди. Улар янги нав чигитга нам кўп кераклиги, бу йилги шароитда бу нав униб чиқмаслигини уқтиришди, тезда ҳамма майдонларни бузиб, қайтадан чигит экишни тавсия қилишди. Баёнқул ака ўзини-ўзи койирди. Ахир бир марта «йўқ, бу навни экмаймиз» деса-ку, бу ташвиш бўлмасди. Энди нима қилиш керак? Бригадир карталарнинг ҳар бир қаричини кўздан кечирар, чигитни очиб кўрарди. Наҳотки бузиб экиш керак?

— Кутиш керак, бир ёмғир бўлса униб чиқади,—деди кекса сувчи Икромқул ака Раҳмонов бригадирнинг ўз ёғкга ўзи қоврилаётганини кўриб.— Бир-икки кун кутайлик, ёмғир бўлмаса, сув қўямиз.

Икромқул аканинг фикрини бригада аъзолари Махмадали Ражабов, Муртоза Облақулов, Қурбон Ниёзовлар ҳам қўллаб-қувватлашди.

Чигит экилганига бир ой ўтди ҳамки, у бош кўтарай демасди. Баёнқул ака раҳбарлардан сув сўради, чигит униб чиқиши учун кафолат берди. Бригаданинг 32 нафар аъзосининг ҳаммаси сувчига айланди. Кун-тун сув қўйилди. Ер намдан қорайиб кетди. Чигит 40 кун деганда қийғос униб чиқди. Баёнқул ака бир нарсадан хурсанд бўлди: ниҳол жуда бақувват эди. Энди ишловни жойига қўйиш керак.

Бригадада иш қизғин тус олди. Культивация ва озиқлантириш муддатлари қисқартирилди, танқис сувдан самарали фойдаланилди. Ёзнинг ҳаддан ташқари иссиқ бўлган кунларида сув беришга бутун эътибор қаратилди.

Партком секретари билан бригадирнинг маъноли кулгиларида мана шу гаплар бор эди. Ахир партком секретари ҳам бузиб экиш тарафдори бўлган эди-да.

Бригадада пахта ҳаммадан эрта пишиб етилди. Машина теримига карталар сифатли тайёрланди.

Механик-ҳайдовчилар Ражаб Сафаров ва Пўлат Розиқов теримга тушган дастлабки кунлариданоқ суръатни 21—27 тоннага чиқаришди. Бригаданинг ҳар бир аъзоси теримда жонбозлик кўрсатди, Ҳанифа Ражабова, Наргизой Сатторова, Гавҳар Сафаровалар теримчилар мусобақасида бошқаларга ўрнак бўлиб, кунига 220—250 килограммдан пахта теришди. Натижада йиллиқ план 6 иш кунида бажарилди.

— Бу йил ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш мақсадини буриятини қабул қилган эдик,— дейди бригада бошлиғи Баёнқул Раҳмонов.— Республика партия ва ҳукуматининг барча меҳнаткашларга Мурожаатини бригада аъзолари ўртасида муҳокама қилдик ва бу даъватга жавобан ҳосилдорликни 60 центнерга етказиш юзасидан оширилган мажбуриятни олдик. Уни албатта, бажарамиз.

Бригада пахтазорларида терим ҳамон қизғин. Чунки биринчи довон ошилиб, юз ёруғ бўлди. Табийки, биринчи ютуқ янада катта ғалабаларга ундайди. Коллектив аъзоларининг ҳар бири битта мақсад — юксак социалистик мажбуриятни ҳам ёруғ юз билан бажариш йўлида теримни сусайтирмай давом эттиряпти.

М. ПОРСИХОНОВ,

Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз.

Тошкент—Жиззах—Иваново

МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

МУСОБАҚАДОШ ОБЛАСТЛАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ АЙРИМ ТАРМОҚЛАРИНИНГ 1983 ЙИЛ ЯНВАРЬ—СЕНТЯБРДАГИ АСОСИЙ ИШ КЎРСАТКИЧЛАРИ

	Тошкент	Жиззах	Иваново
САНОАТ			
Ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари — процент ҳисобида	104,6	87,2	103,2
Реализация планининг бажарилиш проценти	101,5	99,4	101,4
Пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот—миллион сўмлик	71,6	—	73,3
Маҳсулот реализациясн бўйича планни бажармаган корхоналар сони	17	6	30
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	4,2	21,4	25,2
Саноат-ишлаб чиқариш ходимлари сонининг ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ўзгариши — процент ҳисобида	101,4	110,4	98,8
Меҳнат унумдорлиги планининг бажарилиш проценти	102,3	100,3	102,0
Меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари—процент ҳисобида	103,1	79,0	102,0
Меҳнат унумдорлиги планини бажармаган корхоналар сони	23	10	26
Корхоналар умумий сонига нисбатан процент ҳисобида	5,8	16,1	21,8
Барча турдаги калава ишлаб чиқариш—минг тонна	11,5	0,8	226,4
Калава ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	96,9	112,3	98,4
Барча турдаги газлама ишлаб чиқариш—миллион погон метр	119,6	—	1601,4
Газлама ишлаб чиқариш планининг бажарилиш проценти	91,9	—	98,2
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ			
Барча категориядаги хўжаликларда асосий чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти, пландан ташқари харид қилинганлари ҳам ҳисобга киради:			
Чорва ва парранда	84,8	82,4	78
Сут	78,7	81,9	89
Тухум	70,4	80,4	75
1983 йилнинг январь-сентябрида колхозлар ва совхозларда чорва маҳсулотлари етиштириш ва чорванинг маҳсулдорлиги			
Чорва ва парранда асосий турларини сўйиш учун топшириш: 1983 йилнинг январь-сентябрида 1982 йилнинг январь-сентябрига нисбатан процент ҳисобида	102	109	108
Жами сотиб олинган сут, шартнома бўйича аҳолидан олинганн ҳам ҳисобга киради: 1983 йилнинг январь—сентябрида 1982 йилнинг январь—сентябрига нисбатан процент ҳисобида	103,3	105,4	110
Товуқ тухумн етиштириш: 1983 йилнинг январь—сентябрида 1982 йилнинг январь—сентябрига нисбатан процент ҳисобида	89	106	104
Ҳар бир сотиб олинган сигирдан сотиб олинган ўртача сут миқдори: 1983 йилнинг январь—сентябрида 1982 йилнинг январь—сентябрига нисбатан процент ҳисобида	99,2	100,8	111
Ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори: 1983 йилнинг январь—сентябрида 1982 йилнинг январь—сентябрига нисбатан процент ҳисобида	98	99,2	100
КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ			
Давлат капитал маблағлари ҳисобига амалга оширилган [процент ҳисобида]:			
Капитал маблағ сарфлаш планининг бажарилиши	92	100,1	88
Қурилиш-монтаж ишлари планининг бажарилиши	91	100,1	88
Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш [йиллик планга нисбатан]	73	66	67
САВДО			
Давлат ва кооператив савдоси товар оборотн планининг бажарилиши, умумий овқатланиш ҳам ҳисобга киради—процент ҳисобида	97,7	100,6	96,7
Жу жумладан, чакана тармоқ товар оборотн	97,5	100,6	96,6
Умумий овқатланиш товар оборотн	100,5	101,1	97,1
АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ			
Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми планининг бажарилиши—жами процент ҳисобида	98,7	100,1	98
Шу жумладан, шаҳарларда	97,9	99,8	98
қишлоқларда	101,4	100,2	91

МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ — ХИЗМАТДА

ҲАМИША ЁНИНГИЗДАМИЗ

Ўзбекистон партия ва ҳукуматининг Мурожаатида пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча қулайликларни яратиш зарурлиги таъкидланган. Бу касаба союз ташкилотлари, уларнинг маданий-оқартув муассасалари олдига ҳам катта ва масъулиятли вазифаларни қўйди.

Ҳосил терими бошланиши биланоқ касаба союзларига қарашли 26 та клуб, маданият уйлари ва саройлари пахтакорларга хизмат кўрсатишга жалб қилинди. Бу маданий-оқартув муассасалари ходимлари район партия ва совет ташкилотлари томонидан тасдиқланган тадбирлар асосида ҳозирги кунларда дала шийпонларида лекция ва суҳбатларни ташкил этмоқдалар, бадиий ҳаваскорлик коллективлари эса механизатор ва теримчиларга, ҳашарчиларга маданий хизмат кўрсатмоқдалар. Маданият ходимлари дала шийпонларини жиҳозлаш, кўргазмали агитация воситаларини янгилашда ҳам идеология ходимларига кўмаклашяптилар.

Пахтакорларга маданий хизмат кўрсатишда Олмалиқ конметаллургия, Тошкент тўқимачилик ва Бекобод цемент комбинатлари маданият саройлари ходимлари диққатга сазовор ишларни олиб боришмоқдалар. Улар Пискент, Чиноз ва Бекобод районлари қишлоқ меҳнаткашлари хизматидалар. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбекхиммаш» заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият саройлари коллективлари эса Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районлари дала шийпонларида ранг-баранг программада концертлар қўйиб беришяпти.

Касаба союз ташкилотларининг маданий-оқартув муассасалари ходимлари ўн биринчи беш йиллик учинчи йили «оқ олтин» ҳосили тақдирини ҳал қилаётган дала меҳнаткашлари ва ҳашарчиларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида агитпоездлар ташкил этмоқдалар. Жумладан, Олмалиқ кон-металлургия комбинати маданият саройининг агитколлективи Пискент районидаги колхоз ва совхозларнинг дала шийпонларида дам олиш кечалари ўтказмоқда. Уларда лекция ва суҳбатлар ўтказилади, кинофильмлар намойиш қилинади. Бадиий ҳаваскорлар концертлар қўйиб берадилар. Айниқса, бу коллективнинг «Шон-шараф сенга, азамат пахтакор», «Меҳнатни шарафлаймиз» тематик кечалари пахтакорларга манзур бўляпти.

Область касаба союзлари Советида ҳам агитавтобус ташкил этилган. Агитавтобус коллективи ҳар куни олдиндан белгиланган график бўйича пахтакорлар ҳузурига йўл олади. Улар дала шийпонларида концертлар қўйиб бериш, суҳбатлар ўтказиш билан бир қаторда қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат ҳам кўрсатадилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари ўртасида тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни ташкил этишни янада яхшилаш мақсадида ҳозирги пайтда дала шийпонларининг область кўриги ўтказилмоқда. Бу кўрик давомида колхоз ва совхозлардаги дала шийпонларини жиҳозлаш, уларда қишлоқ меҳнаткашларининг мириқиб дам олишларига барча қулайликларни яратиш соҳасида кўп ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, область касаба союзлари Совети дала шийпонлари учун бепул 90 та телевизор, 150 та транзисторли радиоприёмник, 250 та кутубхона, ижтимоий-сиёсий ва қишлоқ хўжалик мавзуларида 2500 та плакат ажратган.

Етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини қисқа муддатда нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олиш учун қизғин кураш давом этмоқда. Касаба союзларига қарашли маданий-оқартув муассасалари бу долзарб паллада ҳамиша пахтакорлар хизматида бўладилар.

Ф. РЎЗИБЕКОВ,

область касаба союзлари Совети маданий-оммавий бўлимининг мудири.

жаҳон янгиликлари

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

● ПРАГА. Чехословакия Коммунистик партияси партия ўқуви системасида янги ўқиш йили бошланди. Коммунистлар ва партиясизлардан бир ярим миллионга яқин киши марксизм-ленинизм назарияси ва ЧКП сиёсати масалаларини, СССРда ва бошқа қардош мамлакатларда социалистик қурилиш тажрибасини ўрганади. 160 минга яқин пропагандист ва лектор назарий билимлар бойлигини ўзлаштиришда тингловчиларга кўмаклашади.

ЧКП XVI съезди, КПССнинг XXVI съезди ҳужжатларини, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Коммунист» журналида эълон қилинган «Карл Маркс таълимоти ва СССРда социалистик қурилишнинг баъзи масалалари» мақоласини, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми материалларини ўрганиш ўқув программасига киритилган.

Коммунистларнинг ўқиш сифатини ошириш учун тегишли шарт-шароитлар яратилган. Аввалги йилларда бўлганидек, партия-сиёсий маорифининг бошланғич, ўрта ва юқори бўғинлари ишлаб турибди.

● ВАРШАВА. Новосонч воеводлигидаги Камена қишлоғида Польшада биринчи асаларичилар уйи очилди. Бу муассаса мамлакат тарихидаги энг қадимий касбларидан бирининг анъанасини пропаганда қилиши лозим. Бу уйда лекция зали, меҳмонхона ва кафе, асаларичилик ишининг бўлғуси музейи учун мўлжалланган хона бор, беморларни асал маҳсулотлари билан даволашга мўлжалланиб ихтисослаштирилган медицина кабинети ҳам очилган. (ТАСС).

ШАХТА ҚУРИЛМОҚДА

● БУДАПЕШТ. Дорог кўмир конидаги «Ленчехедь-II» шахтаси қурувчиларининг коллективи илғор технологиядан фойдаланиб, 800 метр қия шахта стволи қуришни муддатидан илгари тугаллади. «Ленчехедь-II» шахтасининг қурилиши Венгрия энергетикаси структурасини қайта қуриш планларида муҳим ўрин эгаллайди. Бу планларда мамлакатнинг ёқилғи балансида тошкўмир улушини кўпайтириш кўзда тутилган. Планга мувофиқ шахта 1985 йилда ишга туширилиши лозим.

БАГАСО—АСОСИЙ ХОМ АШЁ

● ГАВАНА. Кубада энг йирик бўлган Хатибоникo шаҳридаги (Санкти-Спиритус вилояти) қоғоз комбинатида асосий агрегатни ишга тушириш олдидан синаб кўриш муваффақиятли ўтказилди. У бир ярим соат ичида 120 минг квадрат метрдан кўпроқ юқори сифатли ёзув қоғозини ишлаб чиқарди.


Хатибоникодаги комбинат — ноёб технология асосида ишлаётган катта замонавий корхонадир. Корхонада шакарқамишини қайта ишлаш вақтида ҳосил бўлган чиқиндилар — багасодан жаҳонда биринчи марта асосий хом ашё сифатида фойдаланилмоқда. Ана шу корхонанинг ишга туширилиши билан Куба қоғозининг асосий турларига бўлган ўз талаб-эҳтиёжини тўла-тўкис қондира олади. Хатибоникодаги комбинат ёима-ён жойлашган «Уругвай» қанд заводининг чиқиндисидан фойдаланадиган бўлади.

Халқ истеъмол моллари ва жумладан қоғоз ишлаб чиқариш учун багасодан оқилона фойдаланиш — социалистик Кубанинг чиқиндисиз саноат яратиш йўлидаги дастлабки қадамларидан биридир.

(ТАСС, 19 октябрь).

● БОНН. Металлурглар касаба союзи даъватига кўра бу ерда пўлат қуювчилар ва кемасозларнинг оммавий намойиши бўлиб ўтди (суратда). Унинг қатнашчилари корхоналар эгаларининг яқин вақт ичида 30 минг пўлат қуювчи ва 15 минг кемасозни ишдан бўшатиш тўғрисидаги режаларига қарши қатъий норозилик билдирдилар.

АДН—ТАСС телефотоси.



● НЬЮ-ЙОРК. «Оролда Америка базаларига жой йўқ!», «Пуэрто-Рико сиёсий маҳбусларига озодлик!» — ана шундай шиорлар билан бу ерда АҚШнинг Пуэрто-Рикога нисбатан мустамлакачилик сиёсатига қарши намойиш бўлиб ўтди. БМТ биноси олдида бўлиб ўтган митингда пуэрториколиклар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун курашаётган миллий конгресс вакиллари мамлакат мустақиллигига эришиш учун қатъий кураш олиб боришларини таъкидладилар.

Суратда: намойиш қатнашчилари Нью-Йоркда.

И. Игнатьев телефотоси.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КОҲИРА

Жанубий Ливаннинг Жеззина шаҳри районида ҳарбий бўлинмаларнинг яна бир базаси ташкил қилинганлиги бу ерда маълум бўлиб қолди. Бу бўлинмаларга ливан халқининг ҳоини, исроиллик агрессорлар билан ҳамкор бўлган Ҳаддад бошчилик қилмоқда. Бу — қўғирчоқ ҳукуматнинг замонавий Исроил қурол-яроғи ва техникаси билан тўла-тўкис таъминланган 14-базасидир. Бу база Исроил ҳарбийларининг босиб олинган Ливан ерларида бундан буён ҳам маҳкам жойлашиб қолишларини таъминлаш учун мўлжалланган.

ВАШИНГТОН

Америка корхоналари ишлаб чиқариш қувватларини шу йилнинг сентябрь ойида атиги 78,1 процент фойдаланилди. АҚШ федерал резерв-системаси ана шуни хабар қилди. Федерал резерв-системаси эълон қилган маълумотлар Қўшма Штатларнинг экономикаси тушкунлик ҳолатида қолаётганлигидан яққол далолат бермоқда.

БАНГКОК

Таиландаги юз минглаб киши ўткир социал-иқтисодий проблемалар — ишсизлик, қимматчилик, бошпанасизликдан азоб чекмоқда. Кўпгина кишилар ҳамма жойда капиталистик дунёнинг шафқатсиз воқелигига дуч келиб, ашаддий жиноятчилик йўлига ўтадилар, бошқалари эса ноиложликдан ўз жонига қасд қилишга бориб етадилар ёки кашандаликка ружу қўядилар.

Наркотикларнинг тарқалиши устидан контроль қилувчи кенгаш маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда Таиландда рўйхатга олинган 800 минг банги бор. Буларнинг 32 процентидан кўпроғи 21 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлардан иборат эканлигини статистика кўрсатиб турибди.

ЛУСАКА

ЖАРдан олинган хабарларга кўра, «шаҳарларда яшаш қоидаларини бузувчиларга нисбатан кўриладиган чоралар тўғрисида қонун», деб аталган янги шафқатсиз қонун лойиҳаси ирқчилар парламенти муҳокамасига киритилган. Бу қонун турли ирқларнинг алоҳида-алоҳида яшашига қаратилган чораларни кучайтиришни кўзда тутади.

Ана шу қонуннинг қабул қилиниши натижасида индеецларнинг 6 мингдан кўпроқ оиласи ва 4 минг қора танлилар бошпанасиз қолади ва Иоганнесбургдан кўчириб юборилади. Коммунал тараққиёт министри С. Ф. Котзе ана шуни хабар қилди. У ана шундай кишиларга уй-жой берадиган хонадонларнинг эгалари ён беришга умид боғламасликлари керак, деб ҳам огоҳлантирди. Шу боисдан бошпанасиз қолган ҳамма кишиларга ўзи учун ва болалари учун уй-жой топиш ниҳоятда қийин бўлиб қолади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ IX ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧОРВАДОР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» РЕДАКЦИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИ ЧОРВАЧИЛИК СОВЕТИНИНГ МАХСУС ГАЗЕТАСИ № 8 (19)

ТАДБИРЛАР ТЎЛА— ТЎКИС АМАЛГА ОШСА

Фермамизда 480 бошдан зиёд қорамол бор. Унинг ярмидан кўпроғини соғин сигирлар ташкил этади. Шу муносабат билан ҳар йили қишловга тайёргарлик кўришда сигирларга кўк масса бериш муддатини мумкин қадар узайтириш, шунингдек кўпроқ юқори сифатли ва тўйимли озуқа жамғариш масаласига жиддий эътибор беришимизга тўғри келади.

Битта соғин сигирга бир суткада 15 озуқа бирлиги зарур бўлади. Бироқ, озуқа турли хил бўлиши, таркибида эса оқсил, витаминлар ва бошқа тўйимли моддалар сероб бўлиши лозим.

Яил бошидаёқ озуқа етиштирувчи бригадамиз коллективи ана шу мақсад асосида ишни ташкил этди. 103 гектар ерга дон учун, 44 гектарга эса силос учун маккажўхори экилди. 95 гектар эски бедазорга 31 гектар янги бедазор қўшилди. Бундан ташқари 10 гектар ерга хашаки лавлаги экилди.

Кўриниб турибдики, экин майдонлари анча кенгайди. Бироқ бу, масала ҳал бўлди, деган гап эмас. Чунки, ҳосилдорлик ҳам юқори бўлмаса, мўл озуқа жамғариб бўлмайди.

Шунинг учун биз озуқа турларини етиштиришга ихтисослашган звенолар ташкил этдик. Бу звенолар ҳар йили бир хил турдаги озуқани етиштириш билан шуғулланадилар. Демак, улар катта тажриба орттиришган. Шунинг учун ҳам эндиликда гектар ҳисобига 100 центнердан маккажўхори дони, 700 центнердан силосбоп кўк масса ва хашаки лавлаги, 230 центнердан беда пичани йиғиштириб олинмоқда. Йиллик гўшт етиштириш планини эса алоҳида ортиғи билан бажариб қўйганмиз.

Озуқа базаси — чорвачилик асоси, деб бежиз айтишмайди. Моллар доимо тўқ бўлса, қишнинг совуғига ҳам, турли касалликларга ҳам чидамли бўлади. Фермамиз эски бўлса-да, озуқа цехимиз бир неча йилдан бери тўхтовсиз ишлайди. Бир кеча-кундузда уч тоннагача дағал озуқа қайта ишланиб, молларга едирилади.

Озуқа запасини тежаб-тергаб сарфлаш ҳамда сигирларнинг сутини кўпайтириш мақсадида молларга камроқ миқдорда тез-тез озуқа тарқатишни йўлга қўйганмиз. Масалан, бир суткада камида тўрт марта силос ва концентрат озуқалар берилади. Натижада озуқа ишхўрдга чиқмайди, моллар тўла ҳазм қилади. Қишда ҳам сигирларга икки марта рапс ва перко кўк массаси берамиз. Бу йил ҳам шуни назарда тутиб каноп ва маккажўхоридан бўшаган 61 гектар ерга ана шу экинларни экиб қўйганмиз. Ферманинг атрофидаги ерлар пахта ҳосилидан тозалангач, яна оралиқ экин экамиз.

Кўк масса ҳисобига сигирларнинг маҳсулдорлиги юқори бўляпти. Масалан, ҳар бир сигирдан ўртача 3500—4000 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Йиллик гўшт етиштириш планини эса алоҳида ортиғи билан бажариб қўйганмиз.

Бу йилги қиш мавсумига ҳам ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганмиз. Етарли миқдорда силос ва сенаж бостирилган. Молхоналар, очиқ майдонлар ремонт қилиб қўйилди. Умуман, 1983—84 йилги чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш юзасидан белгиланган тадбирларга ферма ҳодимлари учун турар-жой қуриш, бу уйларни газлаштириш, водопроводлаштириш ва чорвадор посёлкасини ободонлаштириш масалалари ҳам киритилган. Хўжалигимизда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари комплекс ҳал этилаётганлиги туфайли қувончли натижаларга эришмоқдамиз.

П. НАМ,
Ғалаба районидаги «Победа» колхозининг бош зоотехниги.

РЕДАКТОР КОЛОНКАСИ

ҒОЛИБЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК

ОБЛАСТЬ хўжаликларида чорва қишловига тайёргарлик асосан тугалланди. Илғор колхоз ва совхозларда қиш фаслига етарли миқдорда озуқалар жамғарилди, молхоналарнинг ҳаммаси ремонт қилиб қўйилди, озуқа цехлари ҳам мавсумга шай. Кўпгина чорвадорлар 1982-83 йил қишловни муваффақиятли ўтказган илғорлар тажрибасига амал қилмоқдалар.

Коммунистик районидаги «Политотдел», Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги», Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозлар, Чиноз районидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» экспериментал базаси ҳамда Паркент районидаги Калинин номли совхозлар 1982—83 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилишни кўпайтириш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотландилар. Айрим район ва хўжаликлар эса республика мусобақаси ғолиби бўлдилар. Демак, областимиздаги бир қатор хўжаликларда қишлов учун озуқа жамғариш, ундан тўла самара билан фойдаланиб, моллар маҳсулдорлигини оширишга эришиш юзасидан бой тажриба орттирилган.

Ана шу тажрибалар муваффақиятли қўлланилаётган ерда яхши натижаларга эришилмоқда. Бироқ, афсуски, ҳамма ерда ҳам илғор усулларни, фойдали янгиликларни жорий этишга етарли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Бундай ферма ва комплексларнинг раҳбарлари, мутахассислари ҳозирги ғанимат кунларда қишловга қай даражада тайёргарлик кўрилганлигини яна қайта текшириб чиқишлари, қишловнинг муваффақиятли ўтишини ва моллар маҳсулдорлигини ошириш имконини берадиган қўшимча тадбирлар кўришлари зарур.

2-бет

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТ БЕРАДИ

БУ МАШИНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ

ҚИШЛОВ учун мўл ва сифатли озуқа жамғариш қанчалик муҳим бўлса, уларни сифатли сақлаш ҳам шунчалик зарур вазифадир. Агар ем-хашак яхши сақланмаса, унинг таркибидаги фойдали моддалар камайиб кетади. Чорвадорлар қишлов даврида бу масалага жиддий эътибор беришлари лозим.

Витаминли ўт уни мол ва паррандалар учун энг тўйимли озуқалардан бири ҳисобланади. Бедадан тайёрланган бир килограмм ўт уни таркибида тахминан 0,8 озуқа бирлиги, 110 грамм протеин ва 100 миллиграмм каротин бўлса, бир килограмм беда пичанида 0,45 озуқа бирлиги, 75 грамм протеин ва 50 миллиграмм каротин мавжуддир.

Витаминли ўт унини қандай сақлаш керак? Хўжаликлар, асосан қоғоз қопларда сақлашади. Лекин бу усулда узоқ сақлаш зарарлидир. Чунки каротин моддаси ҳаво таъсирида тез камайиб кетади.

Илғор хўжаликларда ўт унидан ОГМ—0,8А ва ОГМ-1,5 агрегатлари ёрдамида донадор озуқа тайёрланади. Шундай қилинганда каротин моддаси 10—20 процент кўп сақланиб қолади.

Ўт уни таркибидаги каротинни сақлашнинг яна бир самарали усули бор. Бу — ўт унига сантохин каби стабилизатор моддасини аралаштириб қўйишдир. Масалан, ўт унига 0,02 процент сантохин қўшилса, орадан 10 ой ўтгач ҳам 80 процент каротин сақланиб қолади.

Сантохин қўшишда фойдаланиладиган СДМ-3, СМК-0,5 аралаштирувчи аппаратлар яратилган. Ўт унига стабилизатор қўшадиган АСК-50 аппарати эса оммавий ишлаб чиқарилмоқда.

Деярли ҳамма фермаларда омухта ем омборларда сочилган ҳолда сақланади. Аксарият омборларнинг томидан чакка ўтиб ётади. Бундан ташқари, омухта емнинг бир қисмини кемирувчилар, қушлар еб кетади, бир қисми эса намлик таъсирида моғорлаб, яроқсиз ҳолга келиб қолади. Бунинг оқибатида кўрилаётган зарар беҳисоб. Агар, омухта ем «ОНК», «ОЗВ» ёки «БСК» типидаги бункерларда асралса, омухта ем ўзининг бутун хусусиятларини сақлаб қолади, бундан ташқари уни ортиш ва тушириш механизация ёрдамида бажарилади. Афсуски, бундай универсал бункерлардан сут-товар фермаларида фойдаланилмаяпти.



● ТОШКЕНТ районидаги «Ленин йўли» колхозида озуқа цехлари тўла қувват билан ишламоқда. Бу жамғарилган ем-хашакдан янада самарали ва тежаб-тергаб фойдаланиш имконини беради. Суратда: хўжалик бош зоотехниги Собир Шокиров озуқа цехи ишчилари ва бўрдоқибоқарлар билан суҳбатлашаётир.

Бу йил қиш даврида қорамоллар рационида сомон ва похол ҳам кўпаяди. Бу озуқа турларини асли ҳолида молларга бериш тавсия этилмайди. Чунки, тўйимлилик даражаси паст, маҳсулдорликни оширишга таъсири кам. Бир килограмм похол ёки сомон таркибида бор-йўғи 0,20—0,25 озуқа бирлиги мавжуд, ҳолос. Одатда хўжаликларда похолни майдалаб буғлашади ва бироз омухта ем қўшишади. Шу билан похолни қайта ишлаш тугаган ҳисобланади. Ҳолбуки, сомонни термохимик усулда қайта ишлаш системаси аллақачон ишлаб чиқилиб, мамлакатимизда кенг миқёсда синаб кўрилди. Агар сомон каустик сода ёки оҳакдан тайёрланган эритмада 2—3 соат давомида қайнатилса, унинг тўйимлилиги икки баравар ортади. Бир центнер сомон учун тўрт килограмм каустик сода ёки уч килограмм оҳак кифоя қилади. Агар икки килограмм каустик сода, икки килограмм сўндирилмаган оҳак, икки килограмм карбамид ва 120 килограмм сув билан мураккаб эритма тайёрланса янада яхши бўлади. Шундай усулда қайта ишлаш йўли билан олинган бир озуқа бирлиги икки тийин атрофида тушади.

Сомонни С-12 аралаштиргич—буғлагич аппаратида, агар у бўлмаса, 2-ПТС-4-793 бункерида ёки РСП-10 озуқа аралаштиргич-тарқатгичда қайта ишлаш маъқул усул ҳисобланади. Ўн иккинчи беш йилликда сомонни термохимик усулда қайта ишлайдиган махсус қурилмалар оммавий равишда ишлаб чиқарила бошлайди. Янги агрегатлар бир соатда тўрт тонна сомонни қайта ишлайди. Улардан 800—1200 бош сигири бўлган фермаларда ёки 5 минг бошга мўлжалланган бўрдоқичилик базаларида фойдаланилади.

Озуқа турларини майдалаш, янчиш, буғлаш уларнинг тўйимлилигини ва ҳазм бўлиш миқдорини оширади. Уларни аралаш ҳолда едириш молларнинг иштаҳасини очади. Масалан, озуқа турлари аралаш ҳолда қайта ишланса, ҳар бир турининг тўйимлилиги саккиз процентдан ошиши фан томонидан исботланган. Демак, дағал озуқаларни фақат аралашма ҳолида молларга бериш лозим. Бироқ, озуқа цехлари кам қувватли бўлган фермаларда бунга эришилмаётир.

Озуқа цехидаги агрегатлар эски бўлса, ДИС-1М маркали янги майдалагич-аралаштиргич агрегатидан фойдаланиш мумкин. Унинг ёрдамида озуқа турлари яхши аралаштирилади, тўла майдаланади, карбамид, ош тузи ва бошқа тўйимли моддалар аралаштирилади. ДИС-1М агрегатида бир соатда беш тоннагача озуқа аралашмаси тайёрлаш мумкин.

Шуни айтиш керакки, чорва моллари учун ажратилган дон қанчалик яхши майдаланса, ҳазм бўлиш миқдори шунчалик ортади. Ҳозир деярли ҳамма фермаларда дон КДУ-2 ёки ДБ-5 дробилкаларда майдаланмоқда. Ҳолбуки, ПЗ-3,0 агрегатлари кўплаб ишлаб чиқарилмоқда. Ана шу агрегатларда янчилган донинг тўйимлилиги 4—6 процент ошади.

Фермаларда озуқа турларини қайта ишлашда янги машиналардан ва технологиялардан кенг қўлланиш тайёрланаётган озуқанинг сифатини анча ошириш, улар таркибида тўйимли моддаларнинг кўпайиши имконини беради.

А. РАЖАБОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг механизация лабораторияси мудири.

3-бет.

ТАЖРИБАЛАРИМИЗНИ ЎРТОҚЛАШАМИЗ

НИШХЎРДГА ЧИҚМАЙДИ

ЧОРВАЧИЛИКДА мўл озуқа жамғариб, ундан самарали фойдаланиш маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, қорамоллар маҳсулдорлигини оширишнинг асосидир. Хўжалигимизда бир неча йилдирки, бир яримҳисса ем-хашак тайёрланади. Масалан, 1983 йилда 6510 тонна дағал хашак, 6 минг тонна силос, 250 тонна витаминли ўт талқони тайёрланди.

Ферма ва комплексларимизда 10 та озуқа цехи мавжуд. Уларда турли операциялар бажарилади ва хилма-хил озуқа тайёрланади.

2 та цех ўт уни ишлаб чиқаришга хизмат қилади. Бу ерда энг замонавий машина-механизмлар ўрнатилган. АВМ-1,5, ОГМ-1,5, АВМ-0,65, ОГМ-0,8 механизмларининг тўхтовсиз, бир меёрда ишлашини операторларимиз кузатиб борадилар. Айниқса, сунъий сут тайёрлаш цехини қайта реконструкция қилганлигимиз қатта қулайликлар туғдирди. АЗМ-0,8 аппаратида тўрт соат ичида бузоқлар учун 800 литр витаминли озуқа тайёрланмоқда.

Дағал озуқа ва сомон илгарилари қорамолларга даладан қандай олиб келинган бўлса, шундайлигича едирилар эди. Натижада кўплаб озуқа нишхўрдга чиқиб кетарди. Махсус цех қурилиб, ишга туширилгач озуқа сарфи камайиши билан биргаликда унинг тўйимлилик даражаси беш баравар ортди. Бу цехнинг ишлаш технологияси ҳам оддий. КДУ-2,00 (Украина) аппаратида дағал озуқа майдалангач, С-12 механизмида омухта ем, карбамид, ачитқи ва туз қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра уч соат давомида буғланади. Шундан сўнг совутилиб, моллларга едирилади. Бир сменада бу цехда 20 тоннагача озуқа аралашмаси тайёрлаш мумкин. Биз қишлов даврида бу цехнинг икки сменада ишлашини таъминлаймиз.

Маълумки, ҳар қандай шароитда ҳам қорамолларга солинган озуқалардан нишхўрд чиқади. Хўжалигимизда бу чиқиндилар ҳам ташлаб юборилмайди. Аксинча, ДИС-ГМ аппарати ўрнатилган цехда силос билан биргаликда қўшилиб майдаланади ва омухта ем қўшилади. Қарабсизки, хушхўр озуқа тайёр. Бу ерда соатига 10 тоннагача озуқа ишлаб чиқариш мумкин. Бундан ташқари, фермаларимизда сомон, сенаж ва омухта емни бардига арлаштириб беришга тайёрловчи 2 та цех ҳам қишлов даврида тўла қувват билан ишлатилади.

С. ПАК,
Коммунистик районидаги «Правда» колхозининг бош зоотехниги.

ҚИШ ШАРОИТИГА МОС

ШУ ЙИЛНИНГ ўтган тўққиз ойида давлатга 2040 тонна серқаймоқ сут етказиб берилди. Бу — ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 136 тонна кўп демакдир. Давлатга 425 тоннадан зиёд гўшт топширилиб, бу соҳадаги йиллик план 170 процент қилиб адо этилди.

Агар қишлов учун етарли миқдорда турли озуқалар жамғарилса ва молларга едирилишдан олдин қайта ишлаб, тўйимлилик даражаси оширилса, моллар ёруғ, иссиқ ва тоза бинолларда сақланса, ишловчилар учун барча маданий-маиший шароитлар яратилиб, улар ўртасидаги социалистик мусобақа тўғри йўлга қўйилса, чорва молларидан ёздагидек маҳсулот олишга эришилади.

Бу йил озуқа базасини мустаҳкамлаш юзасидан қатор ишлар қилинди. Ҳар бир қорамол ҳисобига 4 тоннадан дағал озуқа, 10 тоннадан силос тайёрлаб қўйдик. Яна қўшимча икки тоннадан қанд лавлаги жамғарилади. Шу кунгача 8500 тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 2 минг тонна кўп сифатли силос бостирилди.

Ҳозирги кунда ҳамма молхоналар сифатли ремонтдан чиқарилиб, иситилиб қўйилди. Озуқа цехи тайёр ҳолга келтирилди. Маълумки, дағал озуқалар, айниқса бошоқли экинлар сомони, шоли похоли ва бошқа турдаги чиқиндиларда қийин ҳазм бўладиган лигнин ва клетчатка моддалари кўп бўлади. Агар улар молларга едирилишдан олдин озуқа цехларида майдаланиб, ҳимиявий ишқорлар билан ивитилиб, буғланса, уларнинг тўйимлилик ва ҳазм бўлиш даражаси ортади ва қишда ҳам молларнинг маҳсулдорлиги камаймайди.

Чорва қишлови пайтида кун қисқа, тун эса узун бўлади. Агар сигирларга кеч соат еттида озуқа тарқатилса, улар эрталаб тўққизгача, яъни 14 соат давомида озиқлантирилмайди. Бу эса, албатта уларнинг маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади. Маҳсулдорликнинг камайишига йўл қўймаслик мақсадида қишлов даврида кечаси соат 10—11 ларда тунги озиқлантиришни ташкил қиламиз.

Ўтган йили қишловни муваффақиятли ўтказиб, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга эришганлигимиз учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиғини олган эдик. Бу йил ҳам чорвадорларимиз ғолибликни қўлда сақлаб қолиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

В. РАШИДОВ,
«Красний водопад» экспериментал базасининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.



● «ПРАВДА» колхозининг озуқакорлари бу йил мўл ем-хашак жамғардилар. Айни кунларда улардан самарали фойдаланиб қорамоллар маҳсулдорлигини ошириб боришяпти.

В. Портнов фотолари.

4-бет.



ЖОНИВОРГА АВВАЛО ЕМИШ КЕРАК

ОБЛАСТЬ хўжаликларида бу хўжаликка алоқаси йўқ 1 октябрдан чорва қишлови дек, колхоз олға босиш ўрнига орқага кетяпти.

Ферма мудири Сардор Шоҳзодаев билан чорвачилик бухгалтери Маликшо Рашидов рақамларни қалаштиришиб, «Ишимиз чакки эмас, топширяпмиз бажарилади», деб исботламоқчи бўлишади-ю, аммо ҳақиқий аҳволни худди шу рақамлар фош этишини тушуниб етмайдилар. Рақамлар ҳар қанча салмоқли қилиб кўрсатилмасин, улар бир-бирига чақилганда сараги-саракка, пучаги-пучакка чиқиши муқаррар.

Фикримизнинг исботи учун қуйидаги рақамларни таҳлил қилиб кўрайлик. Бу йилги топшириққа хўжаликнинг ҳар бош сигирдан ўртача 3650 килограммдан сут соғиб олиши лозимлиги қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Ўтган тўққиз ойлик якунида эса сигирларнинг маҳсулдорлиги 2360 килограммдан тўғри келди. Хўш, йил охирига бориб бу рақам қандай бўлади? Шу кеча-кундузда фермадаги ҳар бош сигирнинг бор-йўғи 5—6 килограммдан сут бераётганини айтсангиз, буёғини мактаб ўқувчиси ҳам ҳисоб-китоб қилиб беради. Сигирлар сутини қўпайтирадиган кўк массанинг сероблик даври ўтиб қолди, бундан буён уларнинг сути тортилади. Демак, ҳозирги суръат сақлаб қолинган тақдирда ҳам сигирларнинг йиллик ўртача маҳсулдорлиги 3150 килограммдан ошмайди.

Масаланинг буёғи равшан бўлди. Энди янги комплексни мириқиб томоша қилса бўлади.

— Бунақа ажойиб комплекс, ҳатто, республикамизда ҳам йўқ,— дейишади колхоз мутахассислари.

Тўғри, эътирозга ўрин йўқ. Ҳар бири 200 бош сигирга мўлжаллаб қурилган учта соғиш корпуси тўла механизациялашган. Бўғоз моллар сақланадиган корпусда ҳар бош сигир учун алоҳида туғруқхона ажратилган. Озуқа турлари қайта ишланадиган цех қиш шароити ҳисобга олиб қурилган. Ҳатто ёз ойларида моллар чўмилтириладиган махсус қурилма ҳам бор. Силос ва сенаж бостириладиган хандақлар комплекс территориясида жойлашган. Ходимлар учун душхоналар қурилган.

Хуллас, чорвадорлар учун ҳам, моллар учун ҳам ҳамма қулайликлар муҳайё. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир ойдан кечикмай, эски фермадаги молларнинг ҳаммаси комплексга кўчирилади. Бу йилги чорва қишлови шу ерда ўтказилади. Демак, чорвадорларнинг иши анча енгиллашади. Бу —яхши, лекин шунга яраша маҳсулот ҳам кўпаядими?


Афсуски, бу саволга жавобан колхоз мутахассислари на «ҳа», на «йўқ» дейиша олади. Чунки, қишлов учун жамғарилган озуқанинг чўғи анча паст.

Маълумки, қиш даврида сигирлар сутини кўпайтирадиган ширадор озуқанинг асосийси силос ҳисобланади. Буни хўжалик чорвадорлари яхши билишмайди шекилли, пландаги 2650 тонна ўрнига бор-йўғи 1108 тонна силос бостиришган, холос. Сенаж бостириш плани ҳам 80 процент атрофида бажарилибди. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар деганларидек, ёз ойларида беданинг асосий қисми молларга кўплаб едириб юборилганлиги сабабли ғарамланган беда пичани ҳам пландагидан анча кам бўлиб қолди. Бунинг устига 650 тонна ўрнига атиги 232 тонна табиий пичан жамғарилди, холос. 80 тонна ўрнига 50 тонна ўт унн ишлаб чиқарилган эди. Унинг ҳам ярми йўқ бўлиб кетди.


Бундай аҳволда маҳсулдорлик ҳақида ўйлаш мумкинми?!

А. ИЎЛДОШЕВ,
Чўпон отанинг котиби.

РАССОМ БЛОКНОТИДАН



— Ремонтчиларни ҳам таклиф қилайлик, гулханда исиниб олишсин.



— Э-э, улар иссиқ ўринларини совутиб молхонага келишармиди.



Механик: қор ёққунча озуқа цехи битар, ҳозирдан ҳаловатни бузиш шартми?..

Беда янғишнинг «янгича конвейер» усули.

С. Гиленко расмлари.

Жамоатчи редколлегия: Ш. А. АКМАЛХОНОВ (редактор), И. В. АЖИНОВ, А. Е. БАКИРОВ, Т. Г. ГОТИН, Б. В. ЖЕРДЕВ, М. ИСОҚОВА, Н. РИХСИЕВ (масъул секретарь), В. ШАБАЛИН.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

БЎЁҚЛАРДА БИТИЛГАН ДОСТОН



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Рўзи Чориевнинг ижодий устахонасига киришингиз билан бу ердаги полотнолар, хомаки расмлардан она-диёримизнинг бетакрор бўёқлари жилоланиб кетади. Рассом яқиндагина Сурхондарё ва Қашқадарёда ижодий сафарда бўлди. Хомаки расмлардаги кўпгина пейзажларда бу областларнинг шоирона тасвири акс этган.

Рўзи Чориев Сурхондарёда туғилган. Болалик пайтларидаёқ бу ўлканинг гўзаллигини, ажойиб табиатини ўзича кашф этди. Тасвирий санъатга бўлган қизиқиш уни аввал Тошкент рассомлар билим юртига етаклади. Шундан сўнг СССР Рассомлар академиясининг институтида, профессор Ю. М. Непринцевнинг устахонасида маҳоратини оширди.

Рассом санъатида ҳаёт ҳақиқати ва шоирона тасвир қишини ўзига ром қилади. Ў Ўзбекистон бўйлаб кўплаб сафарлари давомида яратган асарларини томоша қилар экансиз, санъаткорнинг қадрдон юртига меҳр-муҳаббатини чуқур ҳис этасиз. Айниқса, ўлкамиз кишиларининг ажойиб портретлари тасвирий санъат ишқибозларида катта таассурот қолдиради. Ўз юртини, унинг кишиларини чинакамига севган рассомгина «Доно», «Сайроблик қария», «Сайроблиқ гўзал», «Бойсунлик аёл» портретларидаги сингари ҳаётий, таъсирчан образлар яратиши мумкин.

Рўзи Чориев ўз асарларининг яратилиши хусусида қуйидагича ҳикоя қилади: «Сафарларимдан бирида Сурхондарёнинг ажиб бир гўшаси қалбимни ром этди. Соатга қарамай бир неча этюдлар чиздим. Тасодифан менинг олдимга кекса ёшли колхозчи келиб, индамасдан ёнимга бир неча бош узум қўйди. У мени чарчаган ва очиққан деб ўйлаган бўлса керак. Бундан жуда таъсирланиб кетдим. Яқиндагина узилган узум ерда ажойиб бир ҳолатда турарди. Шу заҳотиёқ бу саҳий қалбли қария колхозчи портретини чизишга киришиб кетдим...

Рассомнинг тематик композициялари ҳам Ўзбекистон меҳнат аҳлига бағишланган. Бу полотнолардан бири «Қумқўрғон олмалари» деб аталади. Суратдан қўлларида қизил олмаларни тутган, нигоҳлари келажакка қаратилган икки ёш колхозчи қиз қараб турибди. Шабада уларнинг рўмолларини ҳилпиратади. Қуёш эса қорайган чеҳраларига нур сочиб турипти.

Рўзи Чориев бир неча тарихий полотнолар — «Бухоро амирлигининг қулаши», «Реквием», «Жиззах. 1916 йил» асарларининг муаллифидир.

«Жиззах. 1916 йил» композициясида биз бу тарихий кўзғолон тасвирини кўрмаймиз. Асарда икки синф тўқнашуви ифода этилган.

Рўзи Чориев композициядаги ҳар бир киши образини аниқ ифода эта олган. Айниқса, нутқ сўзлаётган деҳқон образи ажралиб туради. У бир қўлини кўтариб жўшқин гапирмоқда. Қатъияти юзидан кўриниб турибди.

«Жиззах. 1916 йил» полотноси КПСС XXVI съездига бағишланган «Биз коммунизм қурамиз» республика ва Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаларида намойиш этилди.

Шуни айтиш керакки, портрет Рўзи Чориевнинг севимли жанри ҳисобланади. Унинг худди шу асарларида рассомнинг замондошларимизни шоирона тасвир қилиш маҳорати яққол намойиш бўлади. Санъаткор ҳар бир портретда қаҳрамони характерини ифода этиш билан бир қаторда у яшаётган ва ишлаётган муҳитни, ҳунар-касбини ҳам деярли кўз илғамайдиган чизиқлар орқали тасвирлашга ҳаракат қилади. «Нурали портрети», «Биринчи ўқитувчи» ва бошқа асарлари худди шу услубда яратилган.

Рўзи Чориев ижоди кенг кўламлидир. Унинг пейзажлар туркумини «Ўзбекистон ҳақида достон» деб атагинг келади. «Хумсон», «Жиззах уфқлари» ва бошқа пейзажларини томоша қилар экансиз, ўлкамизнинг ажойиб табиатига мафтун бўлмай қолмайсиз.

Рассом ижодий фаолиятини кўпгина жамоат топшириқлари билан боғлиқ ҳолда олиб боради. У Ўзбекистон Рассомлар союзи правлениесининг аъзоси сифатида тасвирий санъатни пропаганда қилиш, ёшларга мураббийлик қилиш соҳасида кўп иш қилмоқда.

Рўзи Чориев замондошларимизнинг туркум портретлари ҳамда «Жиззах. 1916 йил» ва «Қумқўрғон олмалари» композициялари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди.

Т. ОДИЛБЕКОВ,
санъатшунос, СССР Рассомлар союзининг аъзоси.





● Суратларда: «Биринчи ўқитувчим», «Жиззах. 1916 йил» полотнолари.

Автор фотолари.

РЕПОРТАЖ

ШОШТЕПАДА БИР КУН

...Кимларнингдир моҳир бармоқларида сайқалланган, қуёш нурида ранг-баранг товланаётган сирли сопол идишлар, тақинчоқлар, рангли шиша буюмлар, кўкимтир кўринишдаги танга пуллар, фил суягидан ясалган қадаҳлар ва бошқа турли хил ёдгорликлар ўзбек халқининг қадимий маданияти, турмуши, урф-одатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Бу ерда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Археология институтининг тарих фанлари кандидати М. И. Филанович раҳбарлигидаги Тошкент археологик экспедициясининг илмий ходимлари тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Қазиш ишлари беш-олти йилдан бери давом этмоқда. Ўтган йиллар давомида Тошкентнинг пайдо бўлиши аниқланди ва чегараси белгиланди. Маълум бўлишича, аждодларимиз кулолчилик, темирчилик, ойнасозлик ва бошқа ҳунарлар билан шуғулланганлар. Хусусан, ҳозиргача топилган ранг-баранг нақшли кулолчилик, ўймакорлик, наққошлик намуналари, тош йўлкалар, сопол ҳайкалчалар, танга пуллар, уйлар ва ибодатхоналар, қадимги Шоштепада маданият, ҳунармандчилик, шаҳар кўриниши анча тараққий этганлигидан далолат беради.

Айниқса, эрамиздан аввалги I—II асрларга оид арк, оташпарастларнинг ибодатхонаси ва мустаҳкам мудофаа деворларининг топилиши археологияда катта воқеа бўлди. Улар совет ва чет эл археологларининг ҳам диққатини ўзига тортди.

Бу йил қазиш ишлари янада самарали давом эттирилди. Мана, ноёб иншоотлардан бири. Деворлари ярмигача сақланиб қолган. Улар бир вақтлари муҳташам ибодатхона бўлган. Янги топилма археолог-тарихчилар, санъатшунослар ва меъморларда катта қизиқиш уйғотди. Чунки бу ноёб археологик ёдгорлик антик даврга оид эди.

Ёдгорликнинг ҳар бир қаватида ёрдамчи хоналар мавжуддир. Унинг атрофи тўрт метр қалинликдаги мудофаа девори билан ўралгандир. Мазкур кашфиёт осонликча бўлгани йўқ. Синчковлик, изланишлар, кеча-кундуз қилинган тинимсиз меҳнат ўз самарасини берди.

Ҳа, институт археологларининг яна омади келди. Шоштепадаги биринчи ибодатхонанинг қолдиғи топилди. Антик даврга оид бу улкан меъморчилик обидаси аждодларимизнинг юксак маҳорат ва дид эгаси эканлигидан далолат беради. Унинг бир-бирига туташиб кетган хоналари ягона ансамблни ташкил этган. Муқаддас олов ёниб турган жойда эса пистакўмир, кул, уй ҳайвонларининг суяклари топилди. Деворлар ниҳоятда мустаҳкам бўлиб, сирти яхшилаб сувалган.

Шоштепада ҳунармандчилик маҳаллалари ва турар-жойларнинг ҳам қолдиқлари бор эди. Маълум бўлишича, дастлабки даврларда у гуллаб-яшнаган, савдо-сотиқ ривожланган обод шаҳар бўлган.

...Беихтиёр хаёл кишини яна ўтмишга етаклайди. Ҳар бир ёдгорлик қонхўр Чингизхон бошлиқ босқинчи мўғулларнинг ваҳшийликлари, ота-боболаримизнинг заҳматкашлиги, яшаш, яратиш йўлидаги интилишлар ва орзу-умидларини унсиз ҳикоя қилаётгандай. Хоқонлар, хонлар даври-даврон суриб, оддий халқ эса жабр зулм кўриб ўтдилар. Аммо улар яратган обидалар сақланиб қолиб, бизга— бахтли авлодларга ўтмишдан сўзлаётгандай. Ҳар бир харобада парча сопол ёки ғишт синиғида кўҳна тарих мужассам.

Шоштепа археологик ёдгорлигини зиёрат қилиб шундай фикрга келиш мумкин. Бу ёдгорлик ёгингарчиликларга қолдирилиши керак эмас. Архитектор инженерларимиз ёдгорликнинг устини арзон ва қулай усулда ёпиш, уни «зангори осмон» остидаги очиқ музейга айлантириш ҳақида изланишлари лозим. Чунки, бу ерда халқимизнинг ўтмиши ҳақида ҳикоя қилувчи не-не сирлар яшириниб ётипти. Улар келажакда Тошкент тарихини янада ойдинлаштиради.

Ш. ШОРАҲИМОВ,
Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси, тарих фанлари кандидати.

ФАКТ ВА ШАРҲ

«ЭКЗОТА—83» СОВРИНДОРЛАРИ

ПРАГА, 17 октябрь. (ТАСС). Чехословакиянинг Оломоуц шаҳрида сайроқи ва кўркам қушларнинг «Экзота-83» халқаро виставкаси тугади. Тошкентдан борган совет орнитологлари ана шу виставканинг асосий мукофотларидан бирини қўлга киритдилар...

Бу хабар республикамиз табиат ихлосмандларини қувонтириб юборди. Кўпчилик тошкентлик пенсионер Мансур Назарович Отабековнинг оила аъзоларини катта муваффақият билан қутладилар. Чунки бу ютуқда умр бўйи сайроқи ва кўркам қушларни боқиб парваришлаётган ҳақиқий табиат ишқибози М. Отабековнинг ҳиссаси катта эди. Ишқибозлик Мансур отага катта шуҳрат келтирди. У ўз қушлари билан Прагага — халқаро кўргазмага иккинчи марта борди. Ҳар сафар ҳам мукофотли ўринлар билан қайтди.

«Экзота-83» деб номланган халқаро кўргазмага дунёнинг 10 мамлакатидан табиат ихлосмандлари келдилар. Кўргазма павильонига қўйилган 4 мингдан ортиқ қуш бир-бирига сира ҳам ўхшамас эди. Бу ерда митти қушлардан тортиб, товусгача ҳар хил паррандаларни кўриш мумкин эди. Кўргазмага келаётган томошабинларнинг кети узилмади. Уни уч кун давомида 25 мингдан ортиқ томошабин келиб кўрди.

Томошабинлар Ўзбекистон шароитида учрайдиган қушлар билан қизиқиб, танишишди. Улар Отабековнинг сайроқи қушларига, қирғовул, каклик ва беданаларига юксак баҳо беришди.

Кўргазмада тошкентлик табиат шайдоси билан ёнмаён турган наманганлик Абдужаббор Қаҳҳоров ҳам муваффақият қозонди. Унинг гапирувчи майнаси русча ва ўзбекча иборалар билан кўпчиликни ҳайратга солди.

Р. ШЕРАЛИЕВ.

НОЗ-НЕЪМАТЛАР— ЭКСПОНАТ

● **ЎЗБЕКИСТОН ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигига қарашли колхоз, совхозлар, корхоналар фаолиятини акс эттирувчи янги бўлим ҳам кўпчилик диққатини ўзига жалб этмоқда.**

Бу бўлимда министрликка қарашли хўжаликларда етиштирилган ва тайёрланган маҳсулотлар — узум, олма, майиз, мева шарбатлари, мурабболар, ичимликлар, мевали дарахт кўчатлари экспонат вазифасини ўтамоқда.

С. ЁҚУБОВА.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА

ИТТИФОҚҚА ВА ЧЕТ ЭЛЛАРГА

● **«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ» республикамизнинг энг йирик савдо ташкилотларидан биридир. У ўз маҳсулотларини иттифоқдош республикаларга етказиб бериш билан бирга Япония, Голландия, Швейцария сингари йирик капиталистик мамлакатларга ҳам экспорт қилмоқда.**

Бу ташкилот шу йили 374 миллион сўмлик савдо-сотиқ ишларини бажаради. 1985 йилда эса бу рақамни 430 миллион сўмга етказиш мўлжалланган.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг Бош павильонида «Ўзбекбирлашув» фаолиятига бағишланган янги бўлим очилди. Кўргазмага қўйилган экспонатлар, схемалар, фотосурат ва диаграммалар аҳолига катта ҳажмда хизмат қилинаётганлигини кўрсатади.

Ҳозир савдо корхоналарида 15 хил янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Иккиламчи ресурслардан фойдаланиш бу йил 1980 йилга нисбатан қарийб 5,3 баравар ортди.

«ЎҚИТУВЧИ» ТУҲФАЛАРИ

● **ЯНГИ ОЧИЛГАН бўлимлардан яна бири «Ўқитувчи» нашриётининг ишлари ҳақида ҳикоя қилади.**

Республикамизнинг мактабгача тарбия муассасалари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалари тайёрлаб берадиган бу нашриёт ҳар йили 330—360 номдаги ўқув-педагогик китобларни нашр қилмоқда. Нашриёт чоп этган «Қувноқ қўшиқлар», «Физика», «Пахтачилик» каби қўлланмалар ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди.

Нашриёт бу йил умумтаълим мактаблари учун 120, олий ўқув юртлари учун 59, махсус таълим мактабларига 20, ҳунар-техника билим юртлари учун 15 хил китоб тайёрламоқда.

Реклама ва эълонлар

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА

21 октябрь, соат 18.30 да СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

«А» класси биринчи лигасининг «БИНОКОР» (Тошкент) — «ТОРПЕДО» (Усть-Каменогорск) командалари уртасида

ХОККЕЙ

Билетлар сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Қуйидаги телефонлар бўйича справкалар олиш мумкин:

КАССА — 46-03-12, 46-70-31;
АДМИНИСТРАТОР — 46-07-53, 46-68-77.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

24 октябрь соат 19.30 да

ФОРТЕПЬЯНО КУЙЛАРИ КЕЧАСИ

РСФСРда хизмат кўрсатган артист, халқаро конкурсларнинг лауреати

ВАЛЕРИЙ ВАСИЛЬЕВ ЧАЛАДИ

ПРОГРАММАДА — Бетховен, Лист, Шопен, Мясковский асарлари.

Билетлар соат 14.00 дан сотилади.

«ЎЗХЛАДОТОРГМОНТАЖ» трестининг Тошкент ихтисослаштирилган ремонт-монтаж бошқармаси

Холодильник ва савдо-технологик ускуналар ремонти ва монтажи ҳамда уларга техника хизмати кўрсатиш бўйича слесарь-ремонтчиларни тайёрлайдиган

4, 5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган ва Тошкент области шаҳарларида яшовчи, камида 8-синф ҳажмида маълумоти бўлган 20 ва ундан катта ёшдагилар маъмурият билан ўтказилган суҳбатдан сўнг қабул қилинадилар.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия тўланади.

Мурожаат учун адрес: 700032, Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Грампластинка кўчаси, 40-уй (1 «э», 24 «э», 17-автобуслар, 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий Статистика бошқармаси» бекати). Телефонлар 66-21-31, 66-03-65.

ГРАЖДАНЛАР!

ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ЗОНАСИДА ЭҲТИБОРЛИ БЎЛИНГИЗ!

Поездлар соатига 100 километр тезлик билан юришини ва уни бир дақиқада тўхтатиб бўлмаслигини унутмангиз. Темир йўл изини кесиб ўтиш хавфсизлигини таъминлайдиган қоидаларни озгина бўлса ҳам бузиш фожиали воқеаларга олиб бориши мумкин.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Болаларингизнинг темир йўл изи атрофида ўйнашига йўл қўймангиз.

КОРХОНАЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Темир йўл изларидан кесиб ўтиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ўтган йилларда автотранспортларнинг поездлар билан тўқнашувлари кўпроқ юз бериб, натижада кишилар жароҳатландилар.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙЎЛИ БОШҚАРМАСИНИНГ САЛОР ДИСТАНЦИЯ ТЕМИР ЙЎЛИ.

СПОРТ

ЮҚОРИ БАҲО

● СССР Спорт комитетининг таклифи билан Совет Иттифоқига келган Халқаро чанғи федерациясининг тоғ чанғи трассаларини танлаш ва тасдиқлаш комитетининг раҳбари Хубер Шписс республикамизда спортнинг қишки турларини ривожлантириш маркази ҳисобланган Чимёнда бўлди. У бу ердаги чанғи йўлакларига юқори баҳо берди ва Халқаро федерация талабларига тўла жавоб беришини қайд қилди. Шунингдек, Австриядан келган меҳмонни Чимён яқинидаги Белдирсой воҳаси ҳам қизиқтирди. Бу ердаги шароит ҳатто жаҳон кубогининг босқич мусобақаларини ўтказишга мос эканлигига меҳмон алоҳида таъкидлади.

КУБОК ЎЙИНЛАРИ

● Ўтган куни Москванинг «Спартак» командаси УЕФА кубоги учун Англиянинг «Астон Вилла» коллективини қабул қилди. Кеекин кураш остида ўтган учрашув 2:2 ҳисобида якунланди. Мусобақанинг навбатдаги босқичида қайси команда иштирок этади? Бу саволга коллективларнинг Англияда ўтадиган такрорий учрашуви жавоб беради.

Чемпионлар кубоги турнирида иштирок этаётган Минскнинг «Динамо» командаси Венгрияда «Раба» ЭТО клубини 6:3 ҳисобида мағлуб этди. Кубок эгалари кубоги учун бўлган баҳсда «Шахтер» ўз майдонида Швейцариянинг «Серветт» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди.





● Пойтахтдаги «Текстильщик» стадионида «Умид» кубоги учун қизлар ўртасида кўл тўпи бўйича анъанавий 6-Бутуниттифоқ турнири ўтмоқда. Унда РСФСР, Украина, Ленинград, Молдавия, Озарбайжон, Ўзбекистон терма командалари иштирок этаётир.

Суратларда: Ўзбекистон ССР ва Молдавия ССР терма командаларининг ўзаро учрашуви пайти; Ўзбекистон ССР терма командасининг тренери В. Н. Коноплев ёш спортчиларга кўрсатма бермоқда (юқорида).

А. Рисқиев фотолари. (ЎзТАГ).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ-I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильм. 10.25 — «Ики жангчи». Бадиий фильм. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.20 — Концерт. 13.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Концерт. 17.00 — «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Буратино саргузаштлари». 1-серия. 18.30 — Концерт. 19.10 — Дунё воқеалари. 19.25 — Илмий-оммабоп фильм. 19.40 — Н. Доризо шеърлари. 20.10 — «Қасамёд». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм. 3-серия. 21.30 — «Время». 22.05 — «Автомобилдан сақланинг». Кинокомедия. 23.45 — Дунё воқеалари. 24.00 — Бокс бўйича жаҳон кубоги.

МТ-II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.15 — Ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 13.40 — Инглиз тили. 11.05 — Умумий биология. 11.35 ва 12.40 — А. С. Пушкин. «Кароматли Олег ҳақида қўшиқ». 12.05—Табиатшунослик. 13.10 — Тарих. 14.10 — А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси». 14.55 — СССРнинг монументал санъати. 15.25 — «Одамларга зарур бўлиш керак». «Д. Б. Кабалевский бугун». 2-фильм. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Саёҳатчилар клуби. 19.45 — Концерт. 20.10 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Тележурнал. 21.15 — «Ромео ва Юлия». Балетдан парча. 21.30 — «Время». 22.05 — А. Афиногенов. «Ўз болаларининг онаси». Телеспектакль.

ЎзТВ-I. 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — ВЛКСМнинг 65 йиллигига. 19.00 — «Ораста кийинайлик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Халқ контроли экрани». 20.15 — Телефильм. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 —«Сен билан ва сенсиз». Бадиий фильм. 24.00 — Янгиликлар.

ЎзТВ-II. 9.00 — 16.25—МТ-II. 18.15 — Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. 18.45— «Юлдузча». 19.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Чизма геометрия. 21.20 — Кинокожурнал. 21.30 — МТ-II.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси коллективи редакция ходими М. Шариповага отаси

Эгамберди САЛМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент—П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 02240. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б.— 1700